



## СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

и.ф.н., доц. Зойиров Лазиз Субханович  
Ташкент давлат иқтисодиёт университети  
ORCID: 0009-0005-9252-7567  
[lzoyirov@mail.ru](mailto:lzoyirov@mail.ru)

**Аннотация.** Суѓурта компанияларининг инвестицион фаолияти молиявий барқарорликни таъминлаш ва компаниянинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай фаолиятда рискларни бошқариш, ликвидликни таъминлаш, молиявий ва иқтисодий тизимларга мувофиқлик, шунингдек, технологик инновацияларга боғлиқдир. Шу билан бирга, суѓурта компаниялари инвестицион фаолиятда диверсификация, рискларни минималлаштириш, ликвидликни таъминлаш ва стратегик мақсадларга мувофиқ қарорлар қабул қилиш орқали ўз барқарорлигини сақлашга интилишади. Уларнинг амалиётларида технологиялардан фойдаланиш, инновацион таҳлил воситаларини ишлатиш ва глобал иқтисодий шароитларга мослашиш муҳим омиллардан ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** суѓурта, инвестиция, суѓурта компанияларининг инвестицион фаолияти, суѓурта резервлари, инвестиция сиёсати, инвестиция портфеъли.

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

к.э.н., доц. Зойиров Лазиз Субханович  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Инвестиционная деятельность страховых компаний имеет важное значение для обеспечения финансовой устойчивости и улучшения экономического состояния предприятия. Такая деятельность зависит от управления рисками, обеспечения ликвидности, соответствия финансовым и экономическим системам, а также технологических инноваций. При этом страховые компании стремятся сохранить свою устойчивость за счет диверсификации инвестиционной деятельности, минимизации рисков, обеспечения ликвидности и принятия решений в соответствии со стратегическими целями. Использование технологий, применение инновационных аналитических инструментов и адаптация к мировым экономическим условиям являются важными факторами в их практике.

**Ключевые слова:** страхование, инвестиции, инвестиционная деятельность страховых организаций, страховые резервы, инвестиционная политика, инвестиционный портфель.

## THEORETICAL BASIS OF ORGANIZING INVESTMENT ACTIVITIES OF INSURANCE COMPANIES

*PhD, assoc. prof. Zoyirov Laziz Subkhanovich  
Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *Investment activities of insurance companies are important for ensuring financial stability and improving the economic condition of the enterprise. Such activities depend on risk management, ensuring liquidity, compliance with financial and economic systems, as well as technological innovations. At the same time, insurance companies strive to maintain their stability by diversifying investment activities, minimizing risks, ensuring liquidity and making decisions in accordance with strategic goals. The use of technology, the use of innovative analytical tools and adaptation to global economic conditions are important factors in their practice.*

**Keywords:** *insurance, investments, investment activities of insurance organizations, insurance reserves, investment policy, investment portfolio.*

### **Кириш.**

Ривожланган мамлакатлар фаолиятида суғурта компаниялари қимматли қоғозлар бозорида асосий ўйинчилардан бири бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, суғурта компаниялари молия бозорларидағи фаолиятлари натижасида олган доромадлари уларнинг зааралик даражаси юқори бўлган суғурта турлари бўйича суғурта қопламаларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бериш учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Суғурта бозори ёки бошқа молия бозори орқали тўпланган маблағлар охироқибатда ишлаб чиқариш соҳасига, яъни умумий ижтимоий маҳсулот ишлб чиқариладиган, қиймат хосил бўладиган соҳага йўналтирилади, шунингдек барча кўринишдаги молия бозорлари натижада шу мақсадга хизмат қиласди. Ривожланган мамлакатларда асосан қимматли қоғозлар бозори орқали ишлаб чиқариши соҳасига пул оқимлари йўналтирилади.

Бундан ташқари кўплаб хорижий эксперталар томонидан молиявий-инвестицион суғурта холдинглари доирасида мижозларга кенг қамровли молиявий хизматларни кўрсатиш ғояси кенг тарғиб қилинмоқда. Мижозларга алоҳида суғурта ёки молиявий хизматларнинг бир неча тури эмас, балки унинг молиясини комплекс хавфсизлиги таклиф этилади. Масалан, қўшимча пенсия маблағларини йиғиб олган шахсга пенсия жамғармаси, ҳаёт суғуртаси, жамғарилган капитални бошқариш, ахборот хизматлари (молиявий супермаркетларда чегирмалар бериш) каби кенг қамровли хизматларни таклиф қилиш. Йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва бошқалар учун комплекс дастурлар тақдим қилиш мумкин.

Афсуски, Ўзбекистонда бу муаммоларнинг барчаси “хорижий тажриба ва амалиёт” тариқасида ёки “бозорни ривожлантириш” рукни остида талқин қилинади.

Қимматли қоғозлар бозорида суғурта компанияларининг инвестицион имкониятлари тўлақонли намоён бўлмаяпти бу биринчи навбатда фонд бозорининг ўзи ҳали ривожланиш босқичидалиги билан намоён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий суғурта маҳсулотлари бизнинг амалиётга тадбиқ этилиши суст кечмоқда, суғурта компанияларининг бу борада ўzlари олиб бораётган фаолиятлари сезиларли эмас.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда муҳимдир, сабаби суғурта компаниялари фонд бозорларида институтционал инвестор бўлиб

хизмат қилади, ундан ташқари йирик молиявий ресурсларни тўплайди ва қўшимча фаолиятидан даромад олиш самарадорлигини таъминлайди.

Инвесторлар сифатида фаолият юритаётган суғурта компаниялари аҳоли ва юридик шахсларнинг маблағларини фонд бозорига жалб қилувчи воситачиси бўлиб уларнинг ва ўзининг даромадларини оширишда барқарор манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

Окорова (2012) Суғурта инвестицияларини ривожлантириш муаммолари ва устувор йўналишларини ўрганар экан, шуни таъкидлайди, суғурта бозори ривожланишининг ўзига хос хусусияти суғурта компаниялари томонидан тўпланган капиталнинг ўсиб боришидир, бу иқтисодий ривожланган мамлакатлар компанияларини молия бозорида муҳим роль ўйнайдиган йирик инвестиция институтларига айлантирганлигини таъкидлайди.

Суғурта ва инвестиция соҳасидаги тадқиқотчилар томонидан суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти таҳлил қилингандир, жумладан Тургенова (2017), Журавка (2016) инфестион фаолиятининг қўйидаги жиҳатлари тадқиқ этган, яъни суғурталовчиларнинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва инвестиция портфелини моделлаштириш. Акимова (2017) эса суғурталовчининг инвестиция салоҳияти кўрсаткичлари тизими ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилган. Нана ва бошқалар (2018) эса тадқиқотларида АҚШда суғурта компанияларининг суғурта захираларини жойлаштириш амалиёти таҳлил қилинган.

Шунингдек Абдурахмонов (2018-2024) ҳозирги иқтисодий шароитда суғурта соҳаси, унинг иқтисодиётдаги роли, иқтисодий ўзгаришлар натижасида суғуртада қўлланилаётган замонавий технологиялар, суғурта хизматлар бозорида сотилаётган замонавий суғурта маҳсулотлари, суғурта бозорини тартибга солиш усувлари, суғурта соҳасининг замон билан биргаликда юз бераётган трансформацияси, суғуртанинг ривожланиш векторларини кўрсатиб ўтган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усувлар самарали қўлланилди, шунингдек инвестицион фаолият ва уларни амалага оширишнинг механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Молиявий пул оқимларини тўплаш ва уларни иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш қобилияти суғурта компанияларини кучли институционал инвесторга айлантиради.

Ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари активларини жойлаштириш стандартлари, суғурта резервларини максимал ва минимал квоталари, суғурта резервларининг қамраб оловчи активлар рўйхати ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган меъёрлар иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, молия бозорларининг аҳволи, миллий анъаналарга қараб тартибга солинади. Суғурта компанияларининг инвестиция йўналишлари ҳаёт суғурта соҳаси бўйича алоҳида ва бошқа умумий суғурта тармоғи бўйича алоҳида белгиланади.

Евropa Иттифоқи, Буюк Британия ва АҚШда суғурта бозорини тартибга солиш жавобгарлиги маълум маънода давлат, маҳаллий ва худудий ҳокимият органлари ўртасида тақсимланган. АҚШнинг ҳар бир штатида суғурта соҳасини мустақил назорат қилувчи органлари мавжуд. Евropa Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг алоҳида назорат органларига эга, аммо уларнинг ҳар бирлари учун умумий бўлган директиваларга амал қилади.

Суғурта компанияларининг инвестицион сиёсатини шакллантиришда хориж тажрибасининг хусусиятлари кўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, АҚШда суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини штатлар даражасида тартибга солади. Давлат белгиланган тартибда инвестиция шартларини ўрнатади, шунингдек, активлар таркиби ва саноат корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш каби тартибларни жорий этади. Бу, ўз навбатида, молиявий рискларни камайтириш ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-куватлашга қаратилгандир. Буюк Британияда давлат суғурта компаниялари учун молиявий ресурсларни жойлаштириш қоидалари ва ҳаёт суғуртаси активлари таркибини белгилайди. Давлатнинг инвестиция сиёсати дастури ва портфель назорат тартиблари жорий этилган. Бу, ўз навбатида, суғурта компанияларининг хавфсиз ва самарали инвестиция қилишини таъминлайди.

### 1-жадвал

#### Хорижий мамлакатларда суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятларини давлат томонидан назорат қилиш хусусиятлари

Давлат	Суғурта компанияларининг инвестицион сиёсатини шаклланиш хусусиятлари
АҚШ	<ol style="list-style-type: none"> <li>Даромадларининг маълум бир қисми штат ҳудудида инвестиция қилнади.</li> <li>Инвестиция қилиш шартлари белгиланган тартибда ўрнатилади.</li> <li>Ўртача активлар таркиби белгиланади.</li> <li>Суғурта компаниялари саноат соҳалари корхоналарига 15-20 йил муддатга инвестиция кредитларни тақдим этади.</li> </ol>
Буюк Британия	<ol style="list-style-type: none"> <li>Молиявий ресурсларни жойлаштириш қоидалари белгиланади.</li> <li>Ҳаёт суғуртаси активларнинг ўртача таркиби белгиланади.</li> <li>Давлатнинг инвестиция сиёсати дастури мавжуд.</li> <li>Доимий равишда инвестиция портфели қиймати мониторинги олиб борилади.</li> </ol>
Германия	<ol style="list-style-type: none"> <li>Суғурта компаниялари резервларини жойлаштириш бўйича қонун амал қиласди.</li> <li>Инвестиция қилиш тамойиллари амал қиласди (хавфсизлик, даромадлилик, ликвидлилик, диверсификация ва бошқалар).</li> <li>Жойлаштириш шакллари ва улар бўйича чекловлар ўрнатилади.</li> </ol>
Франция	<ol style="list-style-type: none"> <li>Активлар ишончли бошқарувга ўтказилади.</li> <li>Суғурта компаниялари учун кўплаб давлат рўйхатларидан ўтган инвестиция воситаларидан фойдаланиш тақиқланган.</li> <li>Суғурта компанияларига уларнинг активларини танлашда максимал хавфсизлик ва даромадни таъминлаш талаб этилади.</li> <li>Давлат томонидан белгиланган инвестиция ва фаолият стратегиясини амалга оширишга қаратилган ушбу назорат механизмининг натижаларини мувофиқлаштириш учун қайд этилади.</li> </ol>
Япония	<ol style="list-style-type: none"> <li>Суғурта компанияларининг активлари фақат хавфсиз ва ликвид активларга жойлаштирилади.</li> <li>Суғурта компанияларига давлат томонидан белгиланган катта ва ёки жиддий қарзларга инвестиция қилишда чекловлар киритилади.</li> <li>Инвестиция портфелларининг диверсификацияси, кўп турдаги активлар олиш орқали фойда олиш ва катта иқтисодий таҳдидлардан ҳимояланиш.</li> <li>Суғурта компаниялари молиявий фаолиятини мониторинг қилиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун доимий текширувлар олиб борилади.</li> </ol>

**Манба:** эмперик адабиётлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Германияда эса суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти қатъий қонунлар ва тамойилларга асосланади. Хавфсизлик, даромадлилик, ликвидлилик ва диверсификация каби асосий тамойиллар асосида амалга оширилади. Шунингдек, жойлаштириш шакллари ва улар бўйича чекловлар ҳам белгиланган. Активлар ишончли бошқарувга ўтказилади, бу компанияларнинг молиявий рисклардан ҳимояланишини таъминлайди. Францияда суғурта компаниялари учун инвестиция фаолиятида давлат рўйхатларидан ўтган активлардан фойдаланиш талаб этилган. Хавфсизлик ва даромадни таъминлашга доир талаблар ҳам белгиланган, шунингдек, инвестициялар жамғармалари томонидан шакллантирилади. Давлат томонидан мувофиқлаштирилган механизмлар суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини назорат қилишга йўналтирилган.

Японияда эса суғурта компаниялари активларини фақат хавфсиз ва ликвид активларга жойлаштириш лозим. Бу, шунингдек, катта қарзларга инвестиция қилишда чекловлар киритилишини кўзда тутади. Молиявий фаолиятни мониторинг қилиш ва барқарорликни таъминлаш учун давлат томонидан доимий назорат олиб борилади.

Ўзбекистон суғурта бозори ҳамда суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти сўнгги йилларда сезиларли равишда ривожланиб бормоқда. Суғурта компаниялари фақат суғурта хизматларини тақдим этиш билан чекланмай, шунингдек, инвестиция фаолияти орқали ўз молиявий натижаларини яхшилашга интилишмоқда. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолияти мамлакатдаги иқтисодий шароит, қонунчилик ва бозорнинг умумий ҳолатига боғлиқ. Шундан келиб чиқсан ҳолда, миллий суғурта бозоримизда суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятида қўйидаги ҳолатни кўзатишимиш мумкин бўлади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий тузилиши

Кўрсаткич номи	31.12.2022		31.12.2023		Ўзгариш % да
	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	млн. сўмда	Жамига нисбатан % да	
Жами инвестициялар, шу жумладан:	4 751 745	100%	6 149 938	100%	+29,4%
Депозитлар (омонатлар)	2 896 636	61,0%	4 037 369	65,6%	+39,4%
Қимматли қоғозлар	1 287 917	27,1%	1 357 492	22,1%	+5,4%
Зайлар	60 776	1,3%	46 864	0,8%	-22,9%
Кўчмас мулк	358 944	7,6%	539 498	8,8%	+50,3%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	118 221	2,5%	134 728	2,2%	+14,0%
Бошқа инвестициялар	29 252	0,6%	33 988	0,6%	+16,2%

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги келтирилган жадвалда 2022 ва 2023 йиллар учун Ўзбекистон суғурта бозоридаги суғурта компанияларининг умумий инвестицион фаолиятини келтирилган. 2023 йилда суғурта компанияларининг инвестицион портфели 6,1 триллион сўмни ташкил этган, бу ўтган йилга нисбатан 29,4% ўсганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу суғурта компаниялари инвестицион фаолиятининг ривожланишини ва активларнинг диверсификациялашишини кўрсатади. Бунда асосий ўсиш банк депозитлари ва кўчмас мулкларга киритилган инвестициларнинг ошганлигини кўришимиз мумкинdir, яъни 2023 йилда улар 4,0 триллион сўмни ташкил қилган (2022

йилга нисбатан 39,4 фоиз ошган. Бу кўрсаткич суѓурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ошириш учун дипозитларга бўлган қизиқишининг ортишига ишора қиласди. Депозитлар хавфсиз ва кам рискли активлар ҳисобланади, шу сабабли суѓурта компаниялари барқарор даромад олишга интилишмоқда. Компаниялар томонидан қимматли қофозларга қилинган инвестициялар аҳамиятга моликдир, 2023 йилда бу кўрсаткич 5,4 фоиз ўсишни намоён этган. Бу кўрсаткич суѓурта компанияларининг юқори ликвидли ва барқарор активларга сармоя киритишга ҳаракат қилишини кўрсатади. Бундай активлар инвестиция даромадларини таъминлашда самарали механизмлардан бири ҳисобланади.

2023 йилда суѓурта компанияларининг инвестицион фаолиятида яхши ривожланиш кузатилган. Депозитлар ва кўчмас мулкка сармоялар тез ўсан, бу барқарор ва хавфсиз активларга бўлган қизиқишининг ортганлигини билан изоҳланади. Шу билан бирга, зайларга сармоялар камайган, бу компанияларнинг юқори хавфли активларга сармоя киритишдан қочишини англатади. Қимматли қофозлар ва ташкилотлар устав фондидаги иштироклар ҳам маълум даражада ўсан, бу компанияларнинг диверсификациялашга ва стратегик инвестицияларга қизиқишини кўрсатади.

Суѓурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ташкил этишда бир қатор муаммолар ва қийинчиликлар мавжуд. Бу муаммолар молиявий, иқтисодий ва хуқуқий жиҳатлардан келиб чиқади. Бундай муаммолар суѓурта компанияларининг инвестицион стратегияларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда тўсқинликлар яратади. Қуйида уларнинг асосий турлари келтириб ўтишимиз мумкин, жумладан:

*Биринчидан, рискларни бошқаришдаги муаммолар.*

Суѓурта компаниялари турли активларга инвестиция оқимларини йўналтирадилар, уларнинг ҳар бири ўз хос рискларга эгадир. Мисол учун қимматли қофозлар ва кўчмас мулк каби активлар бозорнинг ўзгариши ва иқтисодий таҳдидларга жуда сезгир бўлади. Шунинг учун, рискларни тўғри ҳисобга олиш ва уларни минималлаштиришда қийинчиликлар пайдо қиласди. Суѓурта компаниялари юқори рискли активларга инвестиция киритишдан эҳтиёт бўлишади, аммо бу стратегия юқори даромад топиш имконини чегаралайди. Бундан ташқари, инвестицион портфелларни диверсификациялаш учун катта маълумот ва таҳлиллар талаб қилинади, бу эса кўп вақт ва ресурсларни талаб қиласди.

*Иккинчидан, ликвидлилик муаммолари.*

Суѓурта компаниялари қўпинча ўз инвестицияларини ликвидлилик асосида жойлаштиришлари керак бўлади, яъни ўз активларини тезда пулга айлантира олишлари лозимдир. Агар суѓурта қопламаларини тўлаш учун керакли сумма суѓурта компанияларининг ҳисоб рақамларида бўлмаса бундай ҳолат уларни қийин аҳволга солиб қўйиши мумкинdir. Суѓурта компаниялари умумий портфелларида ликвид активлар кам бўлиши, яъни пулга айлантиришнинг нисбатан осон ва тез бўлган активларнинг етишмаслиги компанияларнинг барқарорликни таъминлаш учун инвестицион фаолиятни амалга оширишда муаммо туғдиради.

*Учинчидан, молиявий барқарорлик ва қонунчиликдаги ўзгаришлар.*

Суѓурта компаниялари ўз инвестицион фаолиятини қонунлар, фискал ва монетар сиёsat қоидаларига мос равишда амалга ошириши керак. Баъзан, уларнинг ўзгариши суѓурта компанияларининг стратегик режаларини ўзгартиришга олиб келади. Суѓурта компаниялари ўз активларини оптимал шаклда ташкил этиш учун мавжуд имтиёзлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишади.

*Тўртинчидан, технологик имкониятлар ва инновация муаммолари.*

Суѓурта компаниялари ўз инвестицион фаолиятларини рақамлаштиришга интилишмоқда, лекин бу кўплаб компаниялар учун катта сарф-харажатларга, шунингдек, юқори техник талабларга олиб келади. Финтех ва рақамли суѓурта платформаларига сармоя киритиш, барча ўзгаришларнинг самарали амалга

оширишини таъминлаш учун тўғри ёндашувни талаб қиласди. Янги инвестицияларни таҳлил қилиш учун катта маълумотлар (big data) ва сунъий интеллектдан фойдаланиш муҳим. Агар суғурта компаниялари ўз инвестиций алоқаларини таҳлил қилишда замонавий технологиялардан фойдаланишмаса, бу инвестицион қарорлар аниқ ва тўғри бўлмаслиги мумкин бўлиб бормоқда, айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида.

### *Бешинчидан, макроиқтисодий ўзгаришлар.*

Инфляция ва глобал иқтисодий бекарорлик суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қиласди. Бозорнинг бекарорлиги шароитларидан фаолият юритиш, суғурта компанияларига қандай активларга инвестиция киритишни тўғри танлашда муаммо туғдиради. Шунингдек, валюта курсидаги ўзгаришлари суғурта компаниялари учун жуда катта таъсир кўрсатади. Агар суғурта компаниялари хорижий активларга сармоя киритса, валюта курсидаги ўзгаришлар инвестиция қийматига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлади.

Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятидаги муаммолар турли хил иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий омилларга боғлиқ ва таъсирчан бўлади. Буларнинг барчаси компанияларнинг стратегик режаларига, молиявий барқарорлигига, ташқи иқтисодий шароитларга ва ички бошқарув тизимиға тўғридан-тўғри таъсир қиласди. Инвестицион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун суғурта компаниялари рискларни аниқ ва комплекс баҳолаши, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва қонунчиликка риоя қилишга катта эътибор қаратишлари зарурдир.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ҳар бир давлатда суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятини тартибга солишга қаратилган ўзгача механизмлар мавжуд. Булар, асосан, молиявий рискларни камайтириш, суғурта компанияларнинг барқарорлигини таъминлаш, активларнинг диверсификацияланганлиги ва истеъмолчиларнинг манбаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Мамлакатлар турли хил қоидалар ва чекловлар орқали суғурта соҳасини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласдилар.

Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ташкил этиш назарий асослари иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий тамойилларга, шунингдек, суғурта компанияларининг стратегик мақсадларига асосланади. Инвестициялар турли активларга диверсификация қилиш, рискларни минималластириш, даромадни ошириш ва компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, суғурта бозори республиканинг ўсиб бораётган бозор сегментларидан биридир, шунингдек суғурта компанияларини инвестиция жараёнларига жалб қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим истиқболга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

### **Адабиётлар /Литература / Reference:**

Abdurahmonov, I. (2020). Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector. International Finance and Accounting, 2020(1), 5.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. International Finance and Accounting, 2020(6), 7.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

- Abdurakhmonov, I. (2020). Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 7.
- Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.
- Ilyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.
- Ilyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.
- Ilyos, A. (2019). Fair tariff policy in insurance: Theory and methods of calculation. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 8(2), 20-27.
- Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.
- Sangyong Hana, Gene C. Lai b, Chia-Ling Hoc. (2018) Corporate transparency and reserve management: Evidence from US property-liability insurance companies. *Journal of Banking and Finance* 96 379–392 р.
- Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта соҳасида маркетингнинг янги технологияларини қўллаш истиқболлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №4, 1-10 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №1, 95-99 б.
- Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат қўришиллари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. “Moliya va bank ishi” илмий журнал. №2, 145-150 б.
- Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизmlарини жорий этиш“. Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2.
- Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.
- Абдурахмонов, И. (2023). Совершенствование практики страхования ответственности в Республике Узбекистан. Каталог авторефератов, 1(1), 1-20. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/autoabstract/article/view/41252>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Неизвестные нам риски цифровой экономики. Экономическое развитие и анализ, 2(7), 230-239. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48792>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Страховой рынок: современное состояние и тенденции развитие. Экономическое развитие и анализ, 2(4), 309-319. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/eitt/article/view/48500>.
- Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириши истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.
- Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.:“Иқтисод-Молия” нашриёти, 23-24.
- Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/-Т.:«Иқтисод молия, 353-354.
- Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.
- Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *Tadqiqotlar*. UZ, 37(6), 161-167.
- Акимова Т.В. (2017) Необходимость и возможности оптимизации структуры инвестиционного портфеля страховых компаний РФ на современном этапе // Страхование в системе финансовых услуг в России: место, проблемы, трансформация. Сборник трудов XVIII Международной научно-практической конференции. Кострома: Костромской государственный университет. С. 109-112.

Журавка Е.С. (2016) Особенности формирования инвестиционного потенциала страховых компаний. Банковская система: устойчивость и перспективы развития. Сборник научных статей седьмой международной научно-практической конференции по вопросам банковской экономики. Минск: Полесский государственный университет. С. 56-59.

Окорокова О.А. (2012) Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний. Журнал Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 5: Экономика. 1-10 стр.

Тургаева А.А. (2017) Инвестиционный потенциал страховых компаний и оценка их конкурентоспособности // Финансы и кредит. Т. 23. № 2. С. 89-109.